Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2007 йил 4 декабрь ● сешанба ● № 49 (556) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИГА 10 ЙИЛ:

тажриба ва ривожланиш истиқболлари

Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

Шу йил 27-28 ноябрь кунлари «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази томонидан Германия техник ҳамкорлик жамияти билан биргаликда ташкил этилган «Ўзбекистон Фуқаролик кодексига 10 йил: тажриба ва ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимиз қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, илмий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, шунингдек, Германия, Россия ва Қозоғистон Республикасининг таниқли ҳуқуқшунос олимлари иштирок этдилар.

Шунингдек, анжуманга Германиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Маттиас Майер ташриф буюрди.

Конференцияда Ўзбекистон фуқаролик ҳуқуқининг шаклланиш тарихини тадрижий назардан ўтказган ҳолда Фуқаролик кодексининг миллий қонунчилик тизимидаги ўрни ва аҳамияти, шунингдек, уни янада такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб бозор муносабатларининг асосий ҳуқуқий тамойиллари ва мезонларини белгиловчи Фуқаролик кодексини қабул қилганлиги ҳамда у жамият ҳаёти, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, гуманитар ва бошқа соҳаларини босқичма-босқич демократик тарзда қайта қуришда энг муҳим ва самарали қонунчилик асоси мезон бўлиб хизмат қилаётганлиги таъкидланди. Мазкур кодексга биноан фуқаролик ҳуқуқининг назарий асослари тубдан ўзгартирилди, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворини шакллантиришга имкон берувчи кўплаб янги қоидалар, хусусан, тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларига доир нормалар белгиланди.

Конференцияда иштирок этган хорижий мамлакатларнинг таниқли ҳуқуқшунос олимлари Ўзбекистон Фуқаролик кодексини цивилистик тафаккурнинг энг илғор ғоялари ҳамда халқаро стандартларни ўзида мужассамлаштирган мукаммал норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида юқори баҳоладилар. Шунингдек, улар мамлакатимиз илмий жамоатчилигини фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги замонавий ютуқлар билан таништиришди.

Тадбир давомида фуқаролик қонунчилигини ривожлантиришнинг бугунги кундаги устувор йўналишлари ҳам муҳокама қилинди. Фуқаролик кодексининг мулкий ва ўзга ашёвий ҳуқуқлар, гаров, давлат шартномалари, интеллектуал мулк ва бошқа муносабатларни тартибга солувчи қоидаларини янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Самарали ва ишчанлик муҳитида ўтган конференция фуқаролик қонунчилигини янада ривожлантириш юзасидан ўзаро фикр алмашиш ва таклифларни илгари суриш имконини берди. Ўз навбатида унинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ривожига муайян ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиздир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Биринчи марта содир этган жиноятлари учун судланганлар жазодан озод қилинсин:

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшга тўлган эркаклар;

г) чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.

3. Мазкур Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.

7. Мазкур Қарорга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга – учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга – тўртдан бир қисмига.

8. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Қарор – ўта хавфли рецидивистларга; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

б) мазкур Қарорнинг 1-банди – ўта оғир жиноят содир этган шахсларга, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган чет эл фуқаролари бундан мустасно;

в) мазкур Қарорнинг 1 — 4, 6, 7-бандлари – тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланганларга.

9. Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И.СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 30 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига

ИНСОН УЛУҒЛАНГАН МУҚАДДАС МАНБА

1992 йилнинг 8 декабрь куни мамлакатимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди, зеро ушбу санада ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – халқимизнинг озод ва обод яшаш, меҳнат қилиш, илм олиш, фикрлаш, сўзлаш, сайлаш ва сайланиш, никоҳ тузиш, тиббий хизмат турларидан, турар жой дахлсизлигидан, тил ва дин эркинликларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг асосий кафиллигини олувчи Бош қонун сифатида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий даражага кўтарди. Унда давлат ҳам, жамият ҳам, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида белгилаб қўйилди.

Бош қомусимизнинг энг халқчил, энг демократик ва ўта нуфузли Конституция сифатида жаҳондаги барча илғор ва тараққий топган давлатлар томонидан тан олиниши, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенцияларга мувофиқ, деб эътироф этилиши, унинг том маънода халқчиллигидан далолат беради. Кези келганда айтиш жоизки, Асосий қомусимизга берилган баҳо ҳар биримиздан, Ўзбекистон фуқароси деган юксак номни шараф билан оқлашни тақозо этади, масъулият ҳиссини уйғотади. Озод ва обод Ватанимизнинг порлоқ келажаги йўлида қаҳрамонона меҳнат қилишга чорлайди.

Конституциямизнинг жуда юқори савияда, ислом қонунчилиги ва жаҳон андозалари ҳамда кўп асрлик миллий урф-одатларимиз, ўчмас қадриятларимиз асосида яратилганлигини жаҳон тарихида катта мавқега эга бўлган бобокалонларимиз Ал Марғиноний, Ат Термизий, Ал Бухорий, Амир Темур, Абдурауф Фитрат сингари кўплаб алломаларнинг тарихий тажрибалари ва инсонпарварлик ғоялари чуқур сингдирилганлигини унинг ҳар бир моддасидан англаш мумкин.

Зотан, Бош қомусимизнинг 4-моддасида эътироф этилганидек, «**Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир**».

Республикамизда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечирмоқдалар. Бу дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, бошқа халқлар қадриятларини ҳам эъзозлаш халқимизга хос бағрикенглик намунасидир. Шу боис ҳам мамлакатимизнинг кўплаб ўқув муассасалари нафақат ўзбек тили, балки инглиз, француз, немис, рус, тожик, қозоқ, туркман, япон, хитой, корейс, араб, ҳинду ва бошқа хорижий тилларни ҳам ўрганишга йўналтирилган.

Бугунги кунда фарзандларимизнинг ўз она тиллари қатори жаҳон тилларини мукаммал эгаллаб олаётганлиги маънавий қадриятларимизнинг узвий давоми бўлиб, ўзбек халқининг жаҳон халқлари ўртасидаги салоҳиятини янада ошириш учун хизмат қилмоқда.

Маълумки, эртанги кун эгалари — фарзандлар оилада камол топади. Шу сабабли ҳам Конституциямизда ўз ифодасини топган оила давлат негизини ташкил этиши, оиланинг давлат ва жамият ҳимоясида бўлиши, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза этилиши, ҳар бир ота-она ўз фарзандини тарбиялашга ва моддий таъминлашга, ҳар бир вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзанд ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги тўғрисидаги меъёрлар миллий урф-одатларимизга тўла мос келади.

Бундан ташқари, Бош Қомусимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлигини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги алоҳида белгилаб қўйилган.

Обуна — 2008

Муҳтарам газетхон!

«Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси мамлакатимизда ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бораётган, демократик тамойилларга мос давлат барпо этишнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилаётган, иқтисодий ислоҳотлар борасида таҳлилий мақолалар бериб бораётган нуфузли нашрлардан бири ҳисобланади.

«Инсон ва қонун» ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари учун ҳам муносиб минбар!

Тадбиркорлик, кенг оммани қизиқтирган ҳуқуқий масалалар, адвокатура, нотариал идоралари, ФҲДЁ, хуллас, суд-ҳуқуқ тизимига оид барча мавзуларда тўлақонли чиқишлар қилинмоқда. Айниқса, кишиларни қизиқтирган саволлар, таҳририятга юборилаётган хатлар — фуқаролар мурожаатларига ўз вақтида жавоб берилмоқда.

Шуни айтишимиз керакки, ҳеч бир хат, ҳеч бир мурожаат беэътибор қолмайди! Газетамиз саҳифаларида сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингиз ҳақида мунтазам равишда мақолалар бериб борамиз. Зеро, қонун — инсон ҳаётининг энг муҳим ҳимоя воситасидир. Қонун — энг тўғри йўл. Инсон қадр-қиммати, шаъни, тақдир аъмоли қонун доирасида ҳимоя қилинсагина, унинг манфаатлари улуғланган бўлади. Газетамиз мақсад-муддаосини тушунган ўқувчиларимизга эса шу нуқтаи назардан хулоса чиқариб, обуна бўлишга шошилинг, деймиз!

Нашр кўрсаткичи:
137 — якка тартибдаги обуначилар учун;
138 — ташкилотлар учун;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

КОНСТИТУЦИЯГА 15 ЙИЛ

Адолат ёғдуси

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 25-модда

Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 26-модда

Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 27-модда

Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика худудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 28-модда

Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 29-модда

Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 30-модда

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 31-модда

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 63-модда

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайлов тизими, уни ўтказишнинг муҳим ҳуқуқий асослари тўғридан-тўғри белгиланганлиги унинг конституциявий даражада кафолатланганлигини кўрсатади. Қолаверса, сайлов тизими конституциявий асосларининг мавжудлиги сайлов жараёнларининг демократик тамойиллар асосида очиқ ва ошкора ўтказилиши, сайлов жараёнларининг фаол иштирокчиси ҳисобланган фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди.

Сайлов ва сайловчи

САЙЛОВ ВА КОНСТИТУЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига асосан, **фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.** Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Бунинг маъноси шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўзлари сайлаб қўйган вакиллари, олий вакиллик органи бўлмиш қонун чиқарувчи орган – Олий Мажлис, халқ депутатлари тегишли Кенгашлари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали давлат ишларини бошқаришда иштирок этадилар.

Конституцияда қўппартиявийликнинг таъминланишига оид нормалар, ҳокимиятни демократик тартибда шакллантиришга оид қоидалар белгиланган. Бош қомусимизнинг 34-моддасида **Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқининг мустаҳкамланиши фуқароларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги сиёсий ҳуқуқлари**ни кафолатлашга хизмат қилади. Яъни, сайловда фуқаролик жамияти институтларининг, жумладан сиёсий партияларнинг дастурий мақсад ва вазифаларининг амалга оширилишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар мустаҳкамланди. Мазкур норманинг амалий ифодаси сифатида бугунги кунда мамлакатимизда "Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси", "Халқ демократик партияси", "Фидокорлар" МДП, "Адолат" СДП, "Миллий тикланиш" каби бешта сиёсий партия фаолият юритмоқда ва сайловларда қўппартиявийликни таъминлашда фаол иштирок этмоқда.

Сайлов тизимининг конституциявий асосларидан энг муҳими Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайлов тизимига бағишланган "Сайлов тизими" деб номланган XXIII бобнинг белгиланганлиги ҳамда 117-моддада сайлов ҳуқуқига оид нормалар ва сайловларни ташкил этишнинг асосий тамойилларининг мустаҳкамланганлигида ҳам кўриш мумкин. Сайлов тизимига бағишланган алоҳида боб кўпгина давлатларнинг Конституциясида йўқ. Буни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси муҳокама қилинаётган вақтда чет эллик экспертларнинг сайловга оид бундай бобни Конституцияда мустаҳкамлаш шарт эмас, деган фикрлари ҳам тасдиқлайди. Сайлов тизимига конституциявий ёндашув сайлов ҳуқуқининг асосий принципларини мустаҳкамлайди.

Сайлов тизими – ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий бўлаги бўлиб, фуқароларнинг сайлаш ва сайланишдан иборат ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар йиғиндисини ифодалайди. Бу тушунча давлатнинг сайлаб қўйиладиган органларини шакллантиришга оид белгиланган қоидаларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Юқоридаги сайлов тизими асосида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига сайлов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчиларига сайловлар ўтказилади.

Энг муҳими, халқ томонидан сайланадиган ва халқ номидан иш олиб бориш ваколати берилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлашга оид нормалар тўғридан-тўғри белгиланди.

Конституциянинг бир неча моддаларида белгиланган қоидалар ва бошқа тегишли моддалар мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мамлакатда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Шу ўринда Конституциянинг сайлов тизимининг демократик нормаларини мустаҳкамлаган ҳамда мамлакатимизда ўтказилаётган демократик сайлов жараёнларининг бош ҳуқуқий асоси сифатидаги қимматини қуйидагича баён этиш мумкин:

биринчидан, Конституцияда Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади деб белгилаб қўйилганлиги;

иккинчидан, Конституция нормалари асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг **«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»**ги Қонунида Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига **«Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар»** тенг сайлов ҳуқуқининг кафолатланганлиги;

учинчидан, кўппартиявийликни белгиловчи нормаларнинг мавжудлиги;

тўртинчидан, Конституцияда сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг манфаатларини муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий турмушда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий эркинликларни яратиб беришга оид нормалар ўз ифодасини топганлиги;

бешинчидан, мамлакатимизда сайловларнинг умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилишининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилганлиги.

2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»** (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)ги Конституциявий Қонуни билан мамлакатимизда сайлов тизимининг конституциявий асосларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартишлардан кейин ҳар бир партия қўйи палатада имкони борича кўпроқ ўрин эгаллашга ҳаракат қилишига, аниқ мақсад, рақобат муҳити юзага келишига, ҳаётга кучлироқ таъсир кўрсатишга, ўз мафкураси, мақсад ва муддаоларини халққа тушунарли тарзда етказишга янада муҳим ҳуқуқий асослар яратилди.

Чунончи, Конституция ва бошқа бир қатор сайловга оид қонунлар асосида 2004 йилнинг декабрида икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловларнинг якунлари тўғрисида гапирар экан, мамлакатимиз Президенти И.Каримов жумладан, шундай таъкидлайди: **«Бу сайловлар биз учун яна бир синов бўлди. Яратганга шукрлар бўлсинки, сайловчиларимиз, бутун халқимиз бу синовдан ёруғ юз билан ўтди. Бу синов бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, юртимизда демократик давлат барпо этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида салмоқли қадамлар қўяётганимизни яна бир бор кўрсатди. Шунинг учун ҳам бу сайловлар Ўзбекистоннинг янги тарихида алоҳида саҳифа бўлиб қолади. Бу сайловларнинг ошкоралик, қонун асосида ўтишида сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар кузатувчиларининг фаоллиги ҳам муҳим омиллардан бўлди».**

Зеро мазкур сайловда 32 мингдан зиёд маҳаллий кузатувчилар сайлов қонунчилигига риоя этилишини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшганлиги, ушбу сиёсий тадбирнинг очиқ ва ошкора тарзда ўтказилишини таъминлади. Бу жараённи 600 дан зиёд хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ёритиб борганлиги, жаҳоннинг 40 га яқин мамлакатидан қарийб 230 нафар хорижий кузатувчи қатнашганлиги ҳам сайлов кампаниясининг барча босқичлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва умумэътироф этилган тамойилларга мувофиқ ўтганлигини қайд этди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Конституциямизда сайловга оид демократик нормаларнинг белгиланиши мамлакатимизда сайловларни демократия тамойиллари асосида ўтказиш имконини бермоқда. Ўз навбатида Қомусимизнинг нақадар етук ва нуфузли ҳужжат эканини тасдиқламоқда.

Шу боис ҳам Конституциямиз жамиятимиз ва давлатимиз учун ҳамда ҳар қайси инсон учун бизнинг байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз каби қадрли ва муқаддасдир. Қолаверса, бунинг сабаби шуки, халқимиз асрлар давомида адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт қуришни орзу қилган. Конституциямиз эса ана шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётни ўзида мужассамлаштирди, унинг шаклини, маънавий қиёфасини намоён этди.

Шу ўринда Аристотелнинг "Ҳуқуқ фуқароларнинг етуклигидан олдинда боради, лекин фуқароларнинг етуклиги ҳуқуқни татбиқ қилишни таъминлайди", деган ҳақли фикрини эслаш ўринли. Шу маънода сайловларда фуқароларнинг кенг иштироки халқимизнинг сиёсий савияси, фаоллиги юксалиб бораётганини ва сайлов тизимининг конституциявий асосларини ҳаётга татбиқ этилаётганлигини намоён этади.

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими

Ҳуқуқий тарғибот соати

НОТАРИАТ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Адлия вазирлигида ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси томонидан мунтазам равишда ўтказиладиган ўқув машғулотининг бу галги мавзуси нотариал ҳаракатлар амалиётига бағишланди.

Машғулотда Яккасарой туманидаги 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Шерзод Есенбоев уй-жой олди-сотдиси ва мерос масалаларида амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар, бу борада мавжуд ютуқ ва муаммолар хусусида муфассал сўз юритди. Тажрибали нотариуснинг асосли ва ҳаққоний фикр-мулоҳазалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди ва қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

ИНСОН УЛУҒЛАНГАН МУҚАДДАС МАНБА

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ҳар бир оилани, айниқса кексалар, аёллар, фарзандларнинг ижтимоий муҳофазасига йўналтирилган бундай меъёрлар жамиятда инсон омилини ҳимоя қилувчи умуминсоний қарашларнинг ёркин ифодасидир.

Шахсий мулкка эга бўлиш ва унинг дахлсизлиги масалалари ҳам Конституциямизда алоҳида ўрин эгаллаган. Унга мувофиқ ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли, шахсий ва хусусий мулклар ҳам бошқа мулклар сингари тенг ҳуқуқли ҳисобланиши ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши кафолатланади.

Бундай конституциявий меъёр ҳар бир шахсга, у жисмоний шахс бўладими, юридик шахс бўладими мулкий дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланиш имконини беради.

Конституциямизнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда эътиқод эркинлиги алоҳида эътироф этилган. Бу эркинлик ҳар бир фуқаронинг истаган динга эътиқод қилиш ёки умуман эътиқод қилмаслик борасидаги ихтиёрий ҳуқуқини вужудга келтиради. Президентимиз ташаббуси билан Тошкент Ислом Университетининг очилганлиги, мамлакатимизда юзлаб жоме масжидлари ва кўплаб бошқа динларга мансуб диний ташкилотлар, мадрасалар, черковлар фаолият кўрсатаётганлиги, минглаб ватандошларимизнинг муборак ҳаж сафарларидан баҳраманд бўлаётганлиги, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти — АЙСЕСКО томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эътироф этилганлиги ҳам юртимизда эътиқод, виждон эркинлигининг амалий исботидир.

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳаётига, унинг қадр-қимматига алоҳида эътибор қаратилган. Унга асосан: ***"Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади"***. Дарҳақиқат, инсонни улуғлаш, уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий ғоясига айлантирилган.

Конституциямиз мезони асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик, яъни: ***"Гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирор бир ахборот, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатмаси олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходими томонидан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатганлик"*** учун жазо белгиланган.

Конституциямизнинг яна бир мақсади – бу жамиятда зулмларга йўл қўймасликдир. Инсонни ҳаётдан маҳрум этиш энг катта зулм. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг "Ишончли ҳадислар" тўпламида зулм ҳақида шундай дейилади: ***"Иймонини зулм билан булғамаган мўъминлар охиратда нажот топгайдирлар, улар ҳидоятли кишилардир"***.

Шунингдек, ҚУРЪОНИ КАРИМнинг Моида сурасидаги ***"Қасамки, агар сен мени ўлдириш учун қўл чўзсанг, мен сени ўлдириш учун қўл чўзгувчи эмасман. Чунки, мен бутун оламлар парвардигори бўлмиш Оллоҳдан қўрқаман"***, деган 28-ояти ҳам инсон ҳаётига тажовуз қилиш энг оғир гуноҳ эканлигига ишорадир.

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг "Лисон-ут тайр" номли асарида шундай лутф қилинган: ***"Инсоннинг ажойиб жисми бир махфий сир хазинаси ўлароқ, ўзида ана шу ганж тилсимини сақлайди. Бу тилсим жон бўлиб, у ўша хазинада туради"***. Дарҳақиқат, инсон қайси жамиятда бўлмасин, жону танини асраш, эркин яшаш имконига эга бўлмоғи лозим.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида **"Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир"**, деб белгилаб қўйилган. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда инсон ҳаёти дахлсиз ҳисобланади.

Дарҳақиқат, яшаш ҳуқуқи – инсон учун энг олий неъмат. Бу тўғрида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг Ал-ЖОМИЪ АС-САҲИҲ асарида ***"Сўкмоқ – фисқ, ўлдирмоқ – куфурдур!"***, дейилган. Ўзбекистон Республикаси халқпарвар, инсонпарвар мамлакат. Шу боисдан ҳам унда ҳар бир инсоннинг эркин яшаш ҳуқуқи энг олий қадрият саналади.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, **суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, хусусан, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, шунингдек жазо чоралари тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш ўтказилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги **"Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"**ги Фармони шахс дахлсизлиги кафолатини таъминлашнинг янги босқичига пойдевор қўйди.

Президентимизнинг мазкур Фармони Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида: **"Инсон ва унинг ҳаёти олий қадрият ҳисобланади"**, деб белгилаб қўйилган нормаларига ҳам тўла мувофиқлиги билан диққатга сазовордир.

Шу боис Конституциясизда ўз аксини топган ғоялар асосида инсон ҳуқуқларига риоя қилишда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш алоҳида аҳамиятга молик воқеа. Бу, ўз навбатида жиноий жазога тортилаётган шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя қилинишига имкон яратади ва шахсий дахлсизликни таъминлайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон халқининг манфаатига, инсонийлик ва эзгулик тамойилларига асосланган Конституциямиз – барча ҳуқуқ ва эркинликларимиз, шу жумладан, шахсий дахлсизлигимиз кафолатидир.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

қабул қилинганлигининг 15 йиллигига

КОНСТИТУЦИЯ КАФОЛАТИ



Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 42-модда

Жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётган мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида бўлгани каби оммавий ахборот воситалари фаолияти билан боғлиқ масалаларда ҳам халқаро ҳуқуқ нормалари ва принциплари устуворлигини тан олган ҳолда ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ОАВ фаолияти ва кафолатларини белгилаб берувчи нормалар ўз аксини топган. Хусусан, Конституциянинг 12-моддасида **"Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас,"** дея таъкидланган. Шу билан бирга 29-моддада ҳар кимга сўз ва фикрлаш эркинликлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаб қўйилди.

Кўрсатилган умумий тамойиллар билан бирга, мазкур ҳужжат ОАВнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи бошқа махсус конституциявий нормаларни ҳам ўз ичига олади. Хусусан, Конституциянинг 29-моддасида **"Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга"** эканлиги кафолатланган. Конституциямизнинг 67-моддасида эса айнан ОАВнинг мақомини белгилаб берувчи **"Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди"** - деб белгилаб қўйилган.

ОАВнинг фаолиятига бағишланган мазкур моддада қуйидаги 4 та муҳим тамойил ўз ифодасини топган: 1) **ОАВнинг эркинлиги; 2) уларнинг қонунга мувофиқ фаолият юритиши; 3) ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгарлиги; 4) цензурага йўл қўйилмаслиги.**

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар Конституциямизга таянган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг **"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"**ги, **"Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги, **"Реклама тўғрисида"**ги, **"Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"**ги, **"Ноширлик фаолияти тўғрисида"**ги, **"Ахборотлаштириш тўғрисида"**ги каби бир қатор Қонун ҳужжатлари қабул қилинди.



1997 йилда қабул қилинган **"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"**ги Қонун ўз навбатида, ОАВ фаолиятининг қонун даражасида тартибга солинишига ва илгари бу соҳада мавжуд бўлмаган ҳуқуқий институтларнинг шаклланиши ва ривожланишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш шароитида ОАВ олдида турган вазифалар ва жамиятни ахборотлаштириш жараёнида улар фаолиятининг янги қирралари юзага келаётганлиги муносабати билан 2007 йилнинг 15 январида мазкур Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 67-модда

Бинобарин, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат ОАВ фаолиятининг турли жиҳатларини қамраб олган бўлиб, унда асосан соҳага оид умумий қоидалар, ОАВ фаолиятини ташкил этиш, ОАВни давлат рўйхатидан ўтказиш, ОАВ маҳсулотини тарқатиш, ОАВнинг фуқаролар ва ташкилотлар билан муносабатига оид нормалар ўз ифодасини топган. Жумладан, Қонуннинг 3-моддасида **"оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир"**, деб белгиланган бўлиб, ушбу норма ўз навбатида, ОАВ билан боғлиқ муносабатларни махсус норматив-ҳуқуқий тартибга солиш тизимини янада кенгроқ шакллантиришга имкон яратади.

Шу жиҳатдан олганда, юқоридаги қонунлар билан бир қаторда, уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган Президент қарорлари, Фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, тегишли идораларнинг норматив ҳужжатлари қабул қилинган.

Барчамизга маълумки, XXI аср жамият ҳаётига ахборот асри сифатида кириб келди. Замонавий ахборот ва алоқа технологияларини ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг қўлланилиши ахборотни жамият ривожланишига таъсир ўтказувчи асосий омиллардан бирига айлантирди. Бундай шароитда ОАВнинг фаолияти жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи тегишли қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш заруратн туғилди. Ва айнан ушбу жиҳатлар сабаб ўлароқ, 2005 йил 10 мартда Президентимизнинг **"Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида"**ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда жамият ҳаётининг турли соҳалари билан бирга, ОАВни демократлаштириш ва янгилаш, улар фаолиятини ислоҳ қилиш юзасидан бир қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш лозимлиги белгилаб қўйилди. Жумладан, **"Ахборот олиш кафолатлари ва ҳуқуқи тўғрисида"**ги, **"Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги, **"Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"**ги, **"Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"**ги Қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; **"Оммавий ахборот воситаларида давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ёритиш тартиби тўғрисида"**ги, **"Телерадио кўрсатувлари ва эшиттиришлари тўғрисида"**ги, **"Жамоат телевидениеси тўғрисида"**ги, **"Кабель телевидениеси тўғрисида"**ги, **"Оммавий коммуникациялар соҳасидаги иқтисодий муносабатлар асослари тўғрисида"**ги янги қонунлар лойиҳаларини ва бошқа бир қатор қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, мазкур концепцияда **"Оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш жамоат фонди"**ни тузиш, **"Журналист этикаси кодекси"** ва **"Оммавий ахборот воситалари хартияси"**ни қабул қилиш масалалари ҳам кўрсатиб ўтилган. Таъкидлаш жоизки, ушбу қарорни амалга ошириш юзасидан бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармонлари, қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

XXI аср жаҳон афкор оммаси томонидан ахборот асри деб эътироф этилаётган экан, эртанги кунимиз бевосита ахборот олами билан боғлиқ бўлиши шубҳасиз. Шундай экан, Конституциямиз ва юқорида санаб ўтилган Қонунларда белгиланган мезонларга амал қилиш, уларни амалга ошириш ҳаёт тақозоси бўлиб қолаверади.

Жавлон АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

БОШ КИТОБ

Энди нурлар таралгайдир,
Ҳаққа етгай ҳар хитобим.
Сўз дуридан яралгандир,
Йўл кўрсатар Бош Китобим.

Намоёндир идрокимиз,
Эрку бахту аҳдимиз.
Бош Китобим — дил покимиз,
Шундан дадил шаҳдимиз.

Алломалар меросида,
Ўчмас калом сурури.
Икки дарё орасида,
От сургандир гурури.

Келажаги буюк элнинг,
Йўл кўрсатар юлдузидир.
Адашмагай дунё кезиб,
Кечасидир, кундузидир.

Қонунларнинг Отаси у,
Унда ўзлик намоён.
Қисматимиз сардафтарин,
Тан олган жумла жаҳон.

Токи танда куч-қувват бор,
Асрагайман Қомусимни.
Асрагайман Бош Китобим
У асрагай номусимни.

Ҳар жумласи мухтасар-у
Ҳар бандида ҳарорат.
Кўҳна Турон аҳли учун
Эзгуликка кафолат.

Бўл омонат сарзамонда
Қалқиб тургайдир жаҳон.
Истиқлолим мангу бўлсин,
Бош Китобим бўл омон.

Беғубордир осмонимиз —
Мангу порлар бу офтоб.
Дилимизда ҳақ китоби —
Қўлимизда бош Китоб.

Исматулло ЙЎЛДОШЕВ,
Самарқанд вилояти прокуроринг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.

ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ

Конституциямиз ўз мазмун-моҳиятига кўра халқимизнинг қадимий бой маданияти ва маънавиятини ўзида мужассам этгани билан ҳам алоҳида диққатга сазовордир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Конституциямизда инсоннинг маънавий-ахлоқий ва маданий қадр-қиммати тўла-тўкис ўз аксини топган.

Чунончи 13-моддада таъкидланганидек, **«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонун билан ҳимоя қилинади»**.

Конституциямизнинг шахс эркинлиги, дахлсизлиги ва фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги ҳам ўзининг теран ифодасини топган. Конституциянинг 18-моддасида **«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар»**, деб белгилаб қўйилган.

Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 43-модда

Қай бир мамлакатда эркинликка кенг йўл очилган бўлса, қонун кучи ва фуқароларнинг ўз бурчларини адо этишлари ҳам шу қадар кўламлидир, зеро эркинлик ғояси ҳамиша ҳақиқат ғояси билан чамбарчас келади ва у билан биргаликда кўпчилик бахт-саодатига интилиш бурчини туғдиради.

Халқ барча ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдалана олган жамиятгина эркинликнинг чинакам масканидир. Асосий қонунимизда белгилаб қўйилганидек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг мавжудлиги, умуман, «маҳалла» миллий демократик институти кўпгина мамлакатлар ҳавас қилса арзийдиган демократик тамойилдир. Маҳалла қадимий тарихга эга бўлиб, унда одамлар ўзаро ҳамкорлик қилиб биргаликда меҳнат қилганлар. Бир-бирининг ҳол-аҳволидан, ғам-кулфатидан, шодликларидан хабардор бўлиб келганлар. Қадимда маҳалла кўпгина масалаларни ўзаро ҳал этишда муҳим роль ўйнаган. Ҳатто, низоли, зиддиятли вазиятларда ўзаро келишувлар маҳалла доирасида ҳал этилган. Оқсоқол ҳал этиши мумкин бўлмаган масалаларгина одил судловга — қозига етказилган. Маҳалла институти бизда янада такомиллашиб бораётганлиги шундан далолат беради.

Асосий қонунимиз қабул қилинганлигининг 15 йиллиги нишонланаётган кунларда кўнглимиздан кечган бу фикр ва мулоҳазалар ҳаётдан мамнунлигимизнинг ёрқин ифодаси бўлиб, оқилона фаолиятимизнинг исботидир.

Эркин ЙЎЛДОШЕВ,
Учтепа туман прокурори



МУҚАДДАС ТУШУНЧАЛАР КОНСТИТУЦИЯ ТИМСОЛИДА

ОИЛА

Оила тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида тўла-тўкис ўз аксини топган. Унга кўра: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга».

Оила жамиятнинг асосини ташкил қилади, у инсонларнинг турмуш кечириш тарзи ва ҳаёт давомийлигини таъминлайди. Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналиб келади. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳаллада тинчлик мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир. Мана шу сўзлар ҳам оиланинг жамиятдаги нуфузи ва аҳамияти нечоғли юксаклигини кўрсатиб турибди. Дарҳақиқат, халқимизнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналаримиз ҳалоллик, ор-номус, имону-эътиқод ва меҳнатсеварлик, энг аввало, оилада шаклланади ва шу аснода инсон камол топади.

Абдулла Авлоний «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида таъкидлашича, Ватанга муҳаббат, элу юртга садоқат каби инсоний фазилатлар оилага, яқин кишиларга бўлган меҳр-оқибат ришталаридан пайванд олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган оилани муҳофаза қилиш тушунчаси кенг қамровли мазмунга эга. Бунда оиланинг дахлсизлиги, шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қилиш, шунингдек, маънавий ва маиший шароитларни яратиш, фарзандларга таълим-тарбия бериш, меҳнатга лаёқати етишмайдиган оила аъзолари учун зарур бўлган моддий таъминотни ташкил этиш каби масалалар назарда тутилади. Оиланинг давлат муҳофазасида эканлиги қайд этилган конституциявий қоидалар турмуш тарзимизда тобора ўз исботини топмоқда. Чунончи, оиланинг ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий-ахлоқий манфаатларини ва фаровонлигини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши билан 1998 йил «Оила йили» деб эълон қилинди. Ушбу Фармойиш асосида «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Давлат дастури» қабул қилинди. Мамлакатимизда оилага эътибор юксаклигини «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Обод маҳалла йили», «Ижтимоий ҳимоя йили» каби қатор йиллар номланишида ҳам кўриш мумкин. Давлатимиз раҳбари 2007 йилнинг 19 майида эълон қилинган эълон қилинган **«Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ва эзгу ишларнинг мантиқий давомидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида яратилаётган барча қонунларнинг мақсади инсон, оила ва жамиятнинг барқарорлиги, фаровонлиги ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Бу эса келажаги буюк давлатимиз томонидан кўзланган улуғ мақсадларнинг беқиёс ифодасидир.

Насиба МАҲМАТҚУЛОВА,
Самарқанд шаҳар
ФҲДЁ бўлими мудираси

МАҲАЛЛА

Маҳалла — арабча сўз бўлиб, «маҳалла, маҳаллатун», яъни ҳамжамият, ҳамжамоат деган маънони англатади. Шарқда қадимдан маҳаллалар эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий анъаналар шаклланган маскан бўлиб келган.

Кўп асрлик тарихга эга бўлган маҳалла Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига мувофиқ, ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, маҳаллий давлат ҳокимияти бобида ўзига хос ўрин олиши катта сиёсий ва амалий аҳамият касб этди. Давлатимиз томонидан маҳалланинг демократик имкониятларини янада кенгроқ намоён этиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Маҳаллага эътибор — жамиятимиз тараққиётига эътибор демакдир. Бу эса ўз навбатида «Кучли демократик давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилнинг амалиётдаги бир кўринишидир.

Республикамиз Президенти ва ҳукуматимиз томонидан юртимизда маҳаллалар мавқеини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида бир қатор қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинган.

Маҳалланинг тарбиявий аҳамияти яна шундаки, унда миллатчилик ва маҳаллийчилик каби иллатлар йўқ. Ҳар бир миллатнинг тили, миллий қадриятлари, урф-одатлари, анъаналарига ҳурмат билан қаралади ва улар иштирокидаги тадбирлар маҳалла аҳли томонидан ҳамжиҳатлик ва аҳллик билан ўтказилади.

Ўзбекистондаги маҳалла институтларининг фаолиятига жаҳон ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан қаралмоқда. Жумладан, «Ўзбекистонда замонавий давлат бошқаруви» TACUS дастури доирасида иш олиб бораётган хорижлик тадқиқотчилар аҳолини ижтимоий ҳимоялашда маҳалла фаолиятининг ютуқларини эътироф этмоқдалар.

Давлатимиз ва жамиятимиз маҳаллалар йиғиндисидан ташкил топган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзини-ўзи бошқариш тизимининг ҳуқуқий кафолатлари белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда миллий демократик институтнинг тараққиёти жамиятимиз ва халқимизнинг буюк келажакка бўлган ишончи кафолатидир.

Санжар НУРИДУЛЛАЕВ,
ТДЮИ талабаси

Шарқ мумтоз адабиётининг забардаст намояндаларидан бири Умар Ҳайёмдир. Унинг тўлиқ исми Ғиёсиддин Абуд Фатҳ Умар ибн Иброҳим Хайём Нишопурийдир. Умар Хайём математика, астрономия ва фалсафага оид қатор асарлар ёзган бўлса-да, бироқ ўзининг жаҳоншумул илмий асарларигина эмас, рубоийлари билан дунёга машҳур бўлди. Тўртгина мисра шеърга чуқур маъноли фалсафий фикрларни сиғдира олди. Шунинг учун ҳам унинг оҳангдор рубоийлари жаҳон адабиётининг бой хазинасидан энг яхши гавҳар доналари каби муносиб ўрин олган.

Илоҳий муҳаббат

ҲАЙЁМ ҚАЛБИНИНГ ЧЕЧАГИ

Болалик чоғларидан Умар қори, яъни, Қуръонни ёддан ўқиши билан ном қозонади. Ўз даврининг олимлари математика ва фалакиётшунослик масаласида у билан баҳслашишга журъат эта олмаган. Умар Хайём фан масаласида ўзигача маълум бўлган ва тўпланган аниқ билимларга таянар эди.

Султон Маликшоҳ саройи расадхонасида йигирма йил ишлади. Маликшоҳ вафотидан сўнг Ҳайём бева қолган маликанинг қаҳрига йўликди. Малика ундан хушомад ва мулозамат кутар, шунинг учун шоирни ёқтирмас эди. Ташлаб қўйилган расадхонага нисбатан маликада қизиқиш уйғотиш учун қилинган ҳаракати натижасиз тугагач, у ватани Нишопурга қайтади.

Умар одамлар доимо янгиликка интилиб яшаши керак, деб ҳисоблаган. Аммо ёши олтмишдан ошганида, олим ўз билим ва тажрибасида жуда катта етишмовчилик борлигини англади. Шоир фарзандсиз эди. Умарга умри давомчисини ҳадя этувчи биронта аёл учрамади. Шоир катта обрўга эга бўлса-да, оилавий бахтдан мосуво эди.

Кунларнинг бирида кулол Мурод Али уйи ёнидан ўта туриб, Ҳайём унинг боғидаги навниҳол ва соҳибжамол қизи Зайнабни кўриб қолди. Шу кундан бошлаб тинчини йўқотган шоир бу хонадон ёнида тез-тез пайдо бўла бошлади. Қизни уйига таклиф этиб, мевалар билан сийлаш учун эса ўзини кексайган деб ҳис қилганидан тортинарди.

Шу лаҳзалардан бошлаб шоир ҳаётида ғамгинлик, руҳий сиқилиш онлари юз бера бошлади. У қуйидаги тўртликни ана шундай руҳий ҳолат таъсирида ёзган бўлса ажаб эмас:

Дилим бўлган эди,
битта ёрга зор,
У ўзга бир ерда ғамга
гирифтор.
Мен ундан ўзимга
дори изласам,
Нетай, табибимнинг
ўзи ҳам бемор.

Тунларни бедор, айрилиқда ўтказиш азобини тортган Ҳайём, ниҳоят, кулол уйига боришга ахд қилади. Мақсади, Зайнаб учун отасидан изн олиш эди. Кулол боғда дам олиб ўтирарди.

— Ассалому алайкум, уста, — деди уйга кириб борган шоир.

— Ва алайкум ассалом, донолар ҳукмдори, — қарши олди кулол. Кейин уйи томон қараб, — Зайнаб меҳмонга чой келтир, — деб буюрди уста.

Ёнғоқ дарахтлари орасидан тўлғона-тўлғона, товусдай товланиб, бошида ноз-неъматлар солинган патнис билан Зайнаб чиқиб келди. Меҳмонга яқинлашаркан, гулгун чеҳрасини енги билан пана қилиб, эшитилар-эшитилмас овозда салом берди-да, патнисни қўйиб кетди.

Шоир кулол узатган пиёладаги чойни хўплаб-хўплаб, гап бошлади:

— Сиз кўп бахтлисиз, уста! Уйингизнинг устуни ҳам, томи ҳам бут. — Шоир оғир хўрсиниб, гапида давом этди.

Умри чодир тикиш билан ўтган отамнинг ёди ҳурмати, қасам ичаманки, менинг уйимга кириб, ташвишларимни бироз енгиллатган аёлдан ҳеч нарсамни аямасдим. Аммо ўшандай аёлни қаердан топаман? Сиз худонинг марҳаматидан бенасиб қолмагансиз. Ўғлингиз ҳам, қизингиз ҳам бор. Камина эса ёлғиз... Агар уйимда қизингиз каби иболи бир аёл менга ҳамнафас бўлганида, мен ҳам бахтли одамга айланар эдим...

Бир неча кун ўтгач, кулол Умарга розилигини билдирди:

— Тақсир, менинг қизим 16 ёшда. Сиз айтгандек, ўғилларим ҳам бор. Сиз эса ёлғизсиз. Қизим уйингиз бекаси бўлишига розиман. Шундай бўла қолсин.

Шоир чарм халтадаги олтин динорларни кулол олдига қўяр экан, устанинг қатъий эътирозига дучор бўлди. Уста уларни қайтарди:

— Мен кўза сотаман, қизимнимас, — деди у. — Бу Зайнабнинг хоҳиши, шунинг учун розилик бердим. Билмадим, у сиздан нима топди экан?!

Орадан бир неча ой ўтиб, Зайнаб фарзанд кўражагини маълум қилди.

Шоир шодлигининг чек-чегараси йўқ эди. Зайнаб вужудида Умар ҳаётининг давомчиси бунёд бўлмоқда. Афсуски, шоирга ўз зурриёдини кўриш насиб этмаган экан...

Табиб Зайнабнинг олдидан ўта ғамгин қиёфада чиқди. Фарзанд ўлик туғилибди. Кўп ўтмай, Зайнаб ҳам бу ёруғ дунёни тарк этди. Энди Умарнинг қайғусини тариф этиш маҳол бўлди. Қуйидаги мисралар унинг ғам-ташвишларидан яралди:

Фалак, кўнглим доим
ғамнок қилурсан,
Қувончим, кўйлагин
чок-чок қилурсан.
Менга эсган елдан
оташ уфуриб,
Сув ичсам, оғзимдан
тупроқ қилурсан.

Шундан сўнг, то умри поёнига етгунича Умар Хайём чеҳрасида шодлик аксланмади. **«Фалак фикрини инсон тилига ўгирувчи»** номини олган шоир яна кўп йиллар ижод билан банд бўлди. Унинг рубоийлари бугунга келиб кўп тилларга таржима қилинди. Бу рубоийларни минглаб кишилар ёддан ўқийдилар.

Бироқ ана шундай буюк бир инсон ҳаётда оталик бахтига муяссар бўлмай ўтди. Бир кам дунё, деб шунга айтсалар керак-да...

Иззат АҲМЕДОВ
тайёрлади

ВАСИЯТНОМА ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Васиятнома — бу фуқаронинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкини ёки бу мол-мулкка бўлган ҳуқуқни унинг ўзи вафот этгандан кейин тасарруф этиш тўғрисидаги хоҳишидир. Васиятнома шахсан тузилиши шарт, вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.



Васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим. Нотариал тасдиқланган ва нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар ёзма шаклда тузилган ҳисобланади. Ёзма шаклда тузилган васиятномалар васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши шарт. Нотариус томонидан ёзиб олинган васиятномани имзолашдан олдин васият қилувчи унинг матнини нотариус олдида тўлиқ ўқиб чиқиши керак. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани шахсан ўзи ўқий олмаса, васиятноманинг матни васият қолдирувчига нотариус томонидан ўқиб эшиттирилади ва бу ҳақда васиятномада қайд этилади.

Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиши мумкин.

Васият қилувчи васиятномада кўрсатилган меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этиши, меросни қабул қилмасligи ёки меросдан воз кечиши, номуносиб меросхўр сифатида меросдан четлаштирилиши ва меросхўр мерос қолдирувчининг қонуний шартларини бажармаганликлари назарда тутилган ҳолда бошқа меросхўрни, яъни ворисдан кейинги ворисни тайинлаши мумкин.

Айрим ҳолларда васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани шахсан ўзи ўз қўли билан имзолай олмайди. Бундай ҳолатда унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс мавжуд бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан васиятномани имзолай олмаганлиги тўғрисидаги сабабларни кўрсатган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.

У.МУҲАМЕДОВА,
Самарқанд шаҳар
12-сон давлат нотариал идораси нотариуси

Қилмиш

ҚИММАТГА ТУШГАН ҚИНҒИРЛИК

Фарғона шаҳрида яшовчи Акмалжон Акбаров **«Эътиборхон — Исломжон — Акмалжон»** фермер хўжалигининг раҳбари. У мазкур хўжаликни ташкил этгач, дурустгина фаолият юритаётганди. Турмуш тарзи ҳам аввалгига нисбатан анча яхшиланди. Маҳалла-қўйдагилар унга ҳавас билан қарашганини айтмайсизми?! Аммо Акмалжон кейинчалик фермерликдан топганига қаноат қилмай, кўнгли янада мўмайроқ даромадни тусаб қолди. Шу мақсадда Умид Муллажонов ва Бахтиёр Адҳамовларни ишга ёллаган ҳолда ўз ҳовлисида ўсимлик ёғи ишлаб чиқара бошлади. Фермер асосий хомашё бўлган пахта чигитини ўзини Абдурашид деб таништирган шахсдан ҳар бир килограммини 230 сўмдан сотиб олар, тайёр маҳсулотни эса ўзи каби устаси фаранг сотувчиларга пулларди. Бироқ ёғнинг истеъмолга яроқсизлиги ва бу кимнингдир соғлигига зиён етказиши мумкинлигини, вақти-соати келиб, бу ҳаракати учун қонуний жазога тортилишини ўйлаб ҳам кўрмасди.

Акмалжон «бор-йўғи»110 литр пахта ёғи ишлаб чиқариб, «оғзи энди ошга етганда» СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Фарғона шаҳар бўлими ходимлари унинг янги «фаолият»ига чек қўйишди. Ўтказилган тадбир мобайнида 4720 кг 1.085.600 сўмлик пахта чигити, 110 литр 104.500 сўмлик қўлбола ёғ, 60 кг 10.800 сўмлик кунжара, 300.000 сўмлик қўлбола ёғ ишлаб чиқариш мосламаси, 20 метр резина шланг, 25 метр альюминий сими каби жами 1.546.900 сўмлик маҳсулот ва асбоб-ускуналар далилий ашё тариқасида олинди. Буни қарангки, А.Акбаров юқоридаги қилиғи етмагандек, резина шланг ва альюминий сим орқали уланиб, газ ва электр энергиясидан ўғринча фойдаланаётган экан. Натижада у «Водийгазтаъминот» унитар корхонасининг Фарғона шаҳар филиалига 490.406 сўмлик, «Фарғона шаҳар электр тармоқлари» ОАЖга эса 1.476.644 сўмлик моддий зарар етказган.

Шаҳардаги «TRADE HOME VITA» хусусий корхонаси раҳбари Нодир Худойбердиевнинг хатти-ҳаракати ҳам А.Акбаровникидан сира қолишмайди. Аниқланишича, Нодир



ўз ҳамёнини қаппайтириш мақсадида корхонанинг собиқ раҳбари Жаҳонгир Тожиев билан жиноий тил бириктиради. Яъни лицензия ва махсус рухсатнома олмай туриб, 71.244.000 сўмлик улгуржи савдони амалга оширади. Қолаверса, 6.266.600 сўмлик ун ва 6.500.000 сўмлик кепак маҳсулотларини нақд пулга сотиб, савдодан тушган пулларнинг атиги 213.000 сўмини банкка топширади, холос. Қолган 12.533.600 сўм маблағни назорат касса машинасига кирим қилмай, киссасига уради. Бу билан у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 11 ноябрдаги **«Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда улар томонидан савдо фаолиятини амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 407-сонли қарори талабларини қўпол равишда бузади. Жиноятини яшириш учун эса «TRADE HOME VITA» хусусий корхонасининг ана шу ишларга тааллуқли бухгалтерия ҳужжатларини гумдон қилади.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди тилга олинган ҳар учала иш бўйича айбдорларга қонуний жазо тайинлади.

Хуршид ҚОСИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг судьяси,
Хуршид СУЛТОНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Чақмоқтош

АРАСТУ (АРИСТОТЕЛЬ)
(Милоддан аввалги 384-322 йиллар)

Қадимий юнон файласуфи Арасту Фракиянинг Стагира шаҳрида туғилган, шу туфайли баъзан Арастуни Стагирит деб ҳам аташади.

Арастунинг отаси Никомах Македония ҳукмдори Аминт II нинг шахсий табиби бўлган. Арасту Македониянинг бўлғуси ҳукмдори Филипп билан болалигиданоқ бирга ўйнаб катта бўлган. У 17 ёшидан 37 ёшигача (367-347 йиллар) файласуф Афлотуннинг Академиясида таҳсил олган.

Милоддан аввалги 343 йилдан бошлаб Арасту Искандар Мақдуний (Александр Македонский)-га мураббийлик қила бошлайди. Искандар Мақдуний ҳукмдорлик тахтига ўтиргач, ўз устози ва дўстига атаб ҳайкал барпо этади. Бу ҳайкалнинг пойида шундай ёзувлар бор эди: «Искандар ушбу ёдгорликни Никомахнинг ўғли, буюк донишманд ва авлиё Арасту хотирасига ўрнатди».

Шарқ асотирларида ёзилишича, бир куни Искандар Зулқарнайндан сўрайдилар:

— Не сабабдан устозинг Арастуни отанг Султон Файлақус (Филипп)дан ҳам аъло кўрасан?

Шоҳ Искандар шундай жавоб қайтаради:

— Отам менинг жисмимни тарбиялаб, осмондан ерга олиб тушди. Устозим Арасту эса менинг руҳимни тарбия қилиб, ердан осмонга қадар юксалтирди.

Замондошларининг гувоҳлик беришича, лаблари четидаги доимий киноя́ли табассум натижасида пайдо бўлган ажинлар Арасту ўзини файласуф Афлотуннинг шогирди, деб билишидан дарак берарди. Арасту юнон илм-фани қўлга киритган билимларни эгаллаш борасида Афлотунни ҳатто шоҳ Искандардан ҳам устун қўйган.

Милоддан аввалги 336 йилда Арасту Афина шаҳрида ўзининг хусусий мактабини очди. Бу илмгоҳ кураш мактаблари қаторида ва Афинанинг шимолий дарвозасидаги Ликей майдонларига туташ ерда жойлашганди.

Арастуни ҳаяжонга солувчи муаммолар фавқулодда қизиқарли ва теран эди. Масалан, инсон энг аввало ўзини севиши керакми ё бошқаними; деган савол уни кўп ўйлантиради. Ўзини кўпроқ севган одамни худбинликда айблайдилар. Бошқа томонда олиб қаралганда эса, инсон аввало ўзининг энг яқин дўсти бўлган кимсани кўпроқ қадрлаши ва севиши лозим, дейилади. Ваҳоланки, ҳар бир одамнинг ўзидан ўзга садоқатли дўсти борми оламда? Демак, инсон аввало ўзини ҳурмат қилиши ва севиши лозим, деб фикр юритади Арасту.

Агар файласуф Зенон Элейский Арастуга замондош бўлганида шу сўзлари учун унга таъзим қилиши турган гап эди.

Арасту ҳавас қиларли даражада ўткир зеҳн соҳиби бўлган.

У 28 та китоб муаллифи. Файласуфнинг **«Методика», «Метафизика», «Жон ҳақида», «Поэтика», «Осмон ҳақида», «Физика», «Риторика», «Севги ҳақида», «Уйқу ва бедорлик ҳақида»** асарлари шу китоблар сирасига киради.

***

Арастуга бир одам унинг ортидан ғийбат қилганини айтишганда, у:

— Ҳеч қиси йўқ.Ортимдан калтаклашса ҳам майли, — деб жавоб берган экан.

Файласуфдан тез кексайиб бораётганининг боисини сўрашганда:

— Бу олижанобликдандир, — деб жавоб берган.

Ундан яна фалсафадан қандай наф олгани ҳақида сўрашганда эса қуйидагича жавоб қайтарган:

— Бошқалар қонун қаршисидаги қўрқув туфайли мажбуран бажарадиган ишларни мен ўз ихтиёрим билан адо этишни ўргандим.

Саида ЖЎРАЕВА
тайёрлади

ЭЪЛОН!

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2007 йил 21 ноябрдаги йиғилиш қарорига асосан Ангрен шаҳар 1-сонли давлат нотариал идора катта нотариуси Сафия Раҳмановна Хусановага Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 1999 йил 21 январь куни берилган TS 000070 сонли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 3 ой муддатга тўхтатилганлигини маълум қилади.

ЭЪЛОН!

Наманган вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2007 йил 21 ноябрдаги йиғилиш қарорига асосан Косонсой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳайдаров Ҳайдарали Акпаралиевичга Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан 2001 йил 4 август куни берилган NA 000051 сонли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси амал қилиши вақтинча тўхтатилганлиги маълум қилинади.

ЭЪЛОН!

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси томонидан Қодиркулов Адхам Очилович номига берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи SI 000195 рақамли лицензия йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

ЭЪЛОН!

Андижон вилоят адлия бошқармаси қошидаги Нотариат бўйича малака комиссиясининг 2007 йил 24 ноябрь кунидаги қарорига асосан нотариус Хасанов Маъруфжон Кўчкоровичга Андижон вилоят адлия бошқармаси томонидан 2006 йил 31 январда берилган AN 000094 — сонли нотариуслик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиш муддати 2007 йилнинг 25 ноябрь кунидан тикланди.

ЭЪЛОН!

Навоий вилоят адлия бошқармаси Учқудуқ туман давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Навоий вилоят адлия бошқармаси телефонлари: (8436) 223-01-38, 223-95-90

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Аслиддин СУЮНОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-1116. Тиражи — 8120. [t] — тижорат мақола.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 133-84-50, Факс: 133-95-31.
1 2 3 4